

ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Қуйичирчиқ тумани

2023 йил 22 сентябрь

Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси Э.Р.Курбоновнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.С.Файзиёвнинг котиблигида, даъвогар вакили Ш.Баратов (2023 йил 6 июлдаги 03-04/78-сонли ишончнома асосида) иштирокида Ўзбекистон Савдо саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг даъвогар "AGROBANK" АТБ манфаатида жавобгар "INVINCEBL" масъулияти чекланган жамиятидан 4.840.813 сўм кредит қарздорлиги ҳамда 1.515.550 сўм кредитнинг фоиз қарздорлигини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни суд биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Савдо саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси "AGROBANK" АТБ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, "INVINCEBL" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 4.840.813 сўм кредит қарздорлиги ҳамда 1.515.550 сўм кредитнинг фоиз қарздорлигини ундиришни сўраган.

Суднинг 2023 йил 14 сентябрдаги ажримига асосан мазкур иқтисодий иш соддалаштирилган тартибдан даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўришга ўтказилган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси даъво аризасида суд муҳокамасини ўзининг иштирокисиз кўришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар ишончли вакили даъво аризадаги важларни такрорлаб, даъвони тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Жавобгар тегишли тартибда, суд ажрими орқали суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлса-да, бугунги суд муҳокамасида иштирок этмади ҳамда даъво юзасидан ўз эътирозларини билдирмади.

Мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (кейинги ўринларда – ИПК деб юритилади) 128, 170-моддасига асосан иқтисодий ишни жавобгар иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд тараф вакилини тинглаб ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра билдирилган талабни тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда – ФК деб юритилади) 8 ва 234-моддаларига асосан мажбуриятлар шартномадан, зиён



етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Ишдаги мавжуд ҳужжатлардан кўринишича, тарафлар ўртасида 2021 йил 1 ноябрда 237-сонли кредит шартномаси имзоланган бўлиб, унга кўра даъвогар жавобгарга 18 ой муддатга, йиллик 14 фоиз устама тўлаш шарти билан 30.000.000 сўм миқдорида кредит маблағи ажратган.

Кредит шартномасига кўра, жавобгар кредит тўлови ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб бориш мажбуриятини олган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддасига асосан кредит шартномаси бўйича бир тараф-банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбурияти белгиланган.

Жавобгар томонидан кредит шартномаси шартларига риоя қилмасдан даъвогар олдида кредит қарздорлиги юзага келган.

Тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномасининг 3.1-бандига мувофиқ, қарздор кредитдан фойдланиш жараёнида кредитлашнинг – қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик, мақсадга мувофиқлик тамойилларига риоя қилиши белгиланган.

Жавобгар даъвогар олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида кредит бўйича 4.840.813 сўм кредит қарздорлиги ҳамда 1.515.550 сўм кредитнинг фоиз қарздорлиги юзага келган.

ФКнинг 735-моддасида қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шартлиги белгиланган.

Даъвогар томонидан ушбу кредит қарздорлигини тўлаш юзасидан жавобгарга талабнома юборилган бўлиб, мазкур талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Суд муҳокамасида даъвогар томонидан 2023 йил 21 сентябрь ҳолатига тақдим қилинган 01/607-сонли маълумотномага мувофиқ жавобгарнинг кредит шартномаси бўйича муддати ўтган асосий қарз 4.840.813 сўм, муддати ўтган фоиз бўйича қарздорлик 2.010.297 сўм мавжудлиги маълум қилинган.

Ушбу қарздорлик суд жараёнида сўралган даъвогар тараф вакилининг тушунтиришлари, кредит шартномаси, тўлов жадвали ҳамда ишдаги бошқа ҳужжатлар билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномасининг 5.3-бандида "Банк" "Қарз олувчи"дан кредитни қайтариш графигига риоя этмаганда, ўз мажбуриятларини бажармаганда ва кредитни мақсадга номувофиқ ишлатганда берилган кредитни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

ФК 736-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.



Қайд этилганларга асосан суд, даъвогарнинг тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномаси бўйича 4.840.813 сўм кредит қарздорлиги ҳамда 1.515.550 сўм кредитнинг фоиз қарздорлигини ундириш ҳақидаги даъво талабини асосли деб ҳисоблаб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд даъвогарнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 4.840.813 сўм кредит қарздорлиги ҳамда 1.515.550 сўм кредитнинг фоиз қарздорлигини ундиришни, низонинг келиб чиқишида жавобгарнинг айбдорлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига асосан давлат божи, почта харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-180, 186, 187-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар "INVINCEBL" масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан даъвогар "AGROBANK" АТБ фойдасига 4.840.813 сўм кредит қарздорлиги ҳамда 1.515.550 сўм кредитнинг фоиз қарздорлиги ҳамда 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар "INVINCEBL" масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан Республика бюджетига 330 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида Қуйичирчиқ туманлараро иқтисодий суди орқали Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят (прокурор протест) бериши мумкин.

Судья:

Э.Р.Курбонов

